

**«Юнусобод деҳқон бозори» акциядорлик жамияти**  
**Кузатув Кенгашининг**  
**МАЖЛИС БАЁНИ**

2020 йил 23 ноябр

Тошкент шаҳри.

**Мажлисда қатнашган**

**Кузатув кенгаши раиси:**

М.М.Абдурахманов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси Бош директори,

**кенгаши аъзолари:**

Л.Т.Акбарходжаев -“Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси Бош директор уринбосари

А.А.Исроилов

Н.В.Талипджанов -“Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи

Т.Камолов

-“Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси бош мутахассиси

Ф.Ф.Тулаганов

-“Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси бўлим бошлиғи

Н.Халилова

Акциядор

Йиғилиш раиси М.Абдурахманов сўзга чиқиб, мажлисда кворум борлигини инобатга олган ҳолда йиғилишни очиқ деб эълон қилди ва кун тартибига киритилган масала билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди

**МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:**

*“Юнусобод деҳқон бозори” акциядорлик жамияти ижроия органи масаласи.*

Мажлис кун тартибидаги масала Кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва жамият директори А.Убайдуллаев 2020 йил 20 ноябр куни вафот этганлиги муносабати билан унинг ўрнига жамиятга раҳбар тайинлаш лозимлиги, жамиятнинг олдида қўйилган вазифаларни узлуксиз бажариб турилишини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги доирасида деҳқон бозори ҳудудида амалга оширилиб турилган ишларни мунтазам мувофиқлаштириб бориш ва бошқа вазифаларни бажариб бориш мақсадида жамият директори ўринбосари О.Жумаевни 2020 йил 23 ноябрдан жамият директори в.в.б этиб тайинланиши таклифи маъқулланди.

Таклиф кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва эътирозлар билдирилмади.

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

**ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ**

1. “Юнусобод деҳқон бозори” АЖ директори А.Убайдуллаев 2020 йил 20 ноябр куни вафот этганлиги муносабати билан унинг ўрнига жамиятга раҳбар тайинлаш лозимлиги инобатга олинсин.

2. Жамиятнинг олдида қўйилган вазифаларни узлуксиз бажариб турилишини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги доирасида деҳқон бозори ҳудудида амалга оширилиб турилган ишларни мунтазам мувофиқлаштириб бориш ва бошқа

вазифаларни бажариб бориш мақсадида жамият директори ўринбосари О.Жумаев 2020 йил 23 ноябрдан жамият директори в.в.б этиб тайинлансин;

3. О.Жумаевга жамият ишини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори талабларига мувофиқ юритиш вазифаси юклатилсин.

**МАЖЛИС РАИСИ**

Баёни олиб борди

**М.М.Абдурахманов**

**С.Каримов**

**Кузатув Кенгаши аъзолари:**

**Л.Т.Акбарходжаев**

**А.А.Исроилов**

**Н.В.Галипджанов**

**Ф.Ф.Тўлаганов**

**Т.К.Камолов**

**Н.Б.Халилова**

27.11.2020 йил.